

Тарихий мактуб



09:01 / 27.12.2021 2763

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Византия императори Ҳирақл (Ираклий I)га юборган мактублари

Ушбу мактуб Мусулмонлар билан Макка мушриклари ўртасида 10 йил урушмаслик тўғрисидаги Худайбия сулҳидан сўнг юборилган.

Мактубни улуғ саҳобалардан Диҳятул Калбий розияллоҳу анҳу императорга олиб борганлар. Бу саҳобий гўзал юзли бўлганлари учун одатда Жаброил алайҳиссалом шу саҳобий суратида келардилар.

Мактубнинг арабча матни қуйидагича:

مِطْعَ لِقَرِهِ يَلِإِ هَلِلَا لَوْسِر دَمَحَم نَم ، مِيحِرْلَا نَم حِرْلَا هَلِلَا مَسَب
مَالَسِإِلَا ةِيَا عَدَب كَوْعَدَا يِنِإِف ، دَعَبِأَمَا ، يَدَهَلِإِ عَبْتَا نَم يَلِع مَالَس ، مَوْرِلَا
كِيَلِع نِإِف تِيَلَوْت نِإَو ، نِيْتَرْم كِرْجَا هَلِلَا كِتْوِي مَلَسْأَو ، مَلَسْت مَلَسْأ
أَنْنِيَبِءَاوَسِ ةَمَلَك يَلِإِ أَوْلَاعَت بَاتِكُلَا لَهْأَايِ □ وَ ، نِيَسِيَرَالَا مَثِإِ
أَنْضَعَب دَخَّتِي أَلَوَ أَيْشِي شِ هَب كَرِشْنُ أَلَوَ هَلِلَا أَلِإِ دُبْعَن أَلَا مُكَنْيَبَو
□ نَوْمَلْسُم أَنْأَبِأَوْدَهْشَا أَوْلُوقَفِ أَوْلَوْتْ نِإِف هَلِلَا نُوْدُنْمِ أَبَابْرَا أَضْعَب

Мактубнинг таржимаси:

«Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм. Аллоҳнинг Расули Муҳаммаддан Румнинг каттаси Ҳирақлга:

«Тўғри Йўлга эргашганларга салом. Аммо баъд. Мен сени Ислом динига даъват этаман. Исломга кирсанг, жонинг омонда. Мусулмон бўл, Аллоҳ сенга икки ҳисса ажр беради. Ва агар Ислом динини қабул қилишдан бош тортсанг, арийсийлар (халқинг)нинг гуноҳи сенинг гарданингга тушади. «Эй аҳли китоблар! Бизга ҳам, сизга ҳам баробар сўзга келинг: Аллоҳдан ўзгага ибодат қилмайлик, Унга ҳеч нарсани шерик қилмайлик ва Аллоҳни қўйиб, баъзимиз баъзимизни Робб қилиб олмайлик», дегин. Бас, агар юз ўгирсалар: «Гувоҳ бўлинглар, биз, албатта, мусулмонлармиз», деб айтинглар» (*Оли Имрон сураси, 64-оят*).

Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади